



INFORMATIONAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE IMPACT OF EXTREMIST ORGANIZATIONS' ONLINE PROPAGANDA ON THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH

Olmos Fayzievna Tursunova

Associate Professor

Samarkand State Pedagogical Institute

o.tursunova@mail.ru

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: extremism, online propaganda, information-psychological impact, youth spirituality, digital environment, manipulation, information security.

Received: 24.01.26

Accepted: 25.01.26

Published: 26.01.26

Abstract: This article provides a scientific analysis of the informational and psychological impact of extremist organizations' propaganda conducted through the internet on the spiritual and moral education of youth. The study reveals the psychological mechanisms through which destructive ideas disseminated via the digital environment, social networks, and online platforms are internalized by young people. It also examines the manipulative nature of extremist content, factors related to identity crisis, emotional susceptibility, and information vulnerability. The article presents scientific and practical conclusions aimed at protecting youth spiritually and morally, ensuring information security, and developing critical thinking.

ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТЛАРИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЮРИТАЁТГАН ТАРҒИБОТИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Олмос Файзиевна Турсунова

Самарқанд давлат педагогика институти доценти

o.tursunova@mail.ru

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: экстремизм, интернет тарғиботи, ахборот-психологик таъсир, ёшлар маънавияти, рақамли макон, тармоғи орқали олиб бораётган тарғибот

Аннотация: Мазкур мақолада экстремистик ташкилотларнинг интернет тарғиботи, ахборот-психологик таъсир, ёшлар маънавияти, рақамли макон, тармоғи орқали олиб бораётган тарғибот

манипуляция, ахборот хавфсизлиги.

фаолиятининг ёшлар маънавий тарбиясига кўрсатадиган ахборот-психологик таъсири илмий таҳлил қилинади. Тадқиқотда рақамли макон, ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформалар орқали тарқатилаётган деструктив ғоялар ёшларнинг онгига қандай психологик механизмлар орқали сингдирилаётгани очиб берилди. Шунингдек, экстремистик контентнинг манипулятив хусусиятлари, идентитет инқирози, эмоционал таъсирчанлик ва ахборот заифлиги билан боғлиқ омиллар таҳлил қилинади. Мақолада ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳимоялаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва танқидий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий хулосалар илгари сурилади.

ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЛИЯНИЯ ИНТЕРНЕТ-ПРОПАГАНДЫ ЭКСТРЕМИСТСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ НА ДУХОВНОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЁЖИ

Олмос Файзиевна Турсунова

Доцент

Самаркандский государственный педагогический институт

o.tursunova@mail.ru

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: экстремизм, интернет-пропаганда, информационно-психологическое воздействие, духовность молодежи, цифровое пространство, манипуляция, информационная безопасность.

Аннотация: В статье проводится научный анализ информационно-психологического воздействия пропагандистской деятельности экстремистских организаций, осуществляемой через интернет, на духовно-нравственное воспитание молодежи. В исследовании раскрываются психологические механизмы внедрения деструктивных идей в сознание молодежи посредством цифрового пространства, социальных сетей и онлайн-платформ. Также анализируются манипулятивные особенности экстремистского контента, факторы кризиса идентичности, эмоциональной восприимчивости и информационной уязвимости. В статье выдвигаются научно-практические выводы, направленные на духовно-нравственную защиту молодежи, обеспечение информационной безопасности и развитие

Кириш. Бугунги кунда огоҳлик давр талабига айланмоқда. Чунки ён-атрофимизда ва биздан анча олис мамлакатларда содир бўлаётган дин ниқоби остидаги хунрезликлар бизни янада хушёрроқ бўлишга, бетақрор Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидек асрашга ундамоқда. Зеро, огоҳлик ва хушёрлик бор жойдангина турли бало-офатлар чекинади. Огоҳлик йўқолган жойда эса барча пушаймон ва кулфатларнинг сабабчиси бўлган лоқайдлик ҳукм суради. Лоқайдликка берилган миллат ва жамият ўзининг ҳимоя қобилиятини йўқотади. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани – аввало, огоҳ бўлиш дегани. Бемаъни ишларни, қабиҳ ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрддингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошингга кулфат тушиши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, огоҳлик – хавфсизликнинг энг муҳим шarti бўлиб, огоҳликсиз хавфсизлик бўлмайди. Ҳозирги даврда дунёдаги бузғунчи ва тажовузкор кучларнинг интернет имкониятларидан ўзларининг ғаразли мақсад ва манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. “Ахборот асри” деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси “ўргимчак тўри” деб аталадиган интернет бўлиб қолди. Бироқ интернетда ҳамма нарса аралаш-қуралаш: оқ билан қора, яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик. Маълумот тарқатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назорат қилишнинг умуман имкони йўқ. Шунинг учун ҳам интернетда халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, “Оммавий маданият”, наркобизнес, одам савдоси ва миссионерлик каби миллий ва диний қадриятларимизга болта урадиган ғояларга чақириқлар жуда кўп учрайди.

Шундай бир шароитда биз – ота – оналар қандай йўл тутишимиз керак? Фарзандларимиз нималардан огоҳ бўлиши зарур? Қайси қадриятларимизни эъзозламоқ керак? Қайси урф-одат ва анъаналаримизни келажак авлодларга мерос қилиб қолдирмоқ лозим? Авлодимиз давомчиларини ёвуз кучлар таъсиридан қандай асрашимиз керак?

Асосий қисм. Биз фарзандларимиз тарбиясида шундай йўл тутишимиз лозимки, токи улар ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилсин, ҳасад қилишдан, андишасизликдан уялсин, сотқинликни ор деб билсин. Четдан ёпирилиб келаётган “оммавий маданият” гирдобидан узоқ юрсин. Ўз миллий қадриятлари, она халқи ва азиз ватани билан ғурурлансин. Бунинг учун эса энг аввало ота-оналарда ана шу фазилатлар мужассамлашган бўлиши ва улар бу фазилатларни меҳру-муҳаббат, сабру-қаноат билан ўз фарзандларига сингдириши лозим.

Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари асрида Ватан фақат қурол билан эмас, балки ҳар бир одамнинг ўз атрофидаги воқеа-ҳодисаларга ўта ҳушёр ва синчков муносабати ҳамда ёш авлод қалбига миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳаётий ўғитлар орқали чуқур сингдириши билан ҳам ҳимоя қилинади. Чунки бутун дунёга кенг тарқалиб бораётган, масофа, чегара билмайдиган мафқуравий урушнинг энг хавфли томони шундаки, "...бунда нишонга олинган мамлакатнинг ёшлари босиб келаётган ёвнинг аскарларига айлантирилади".

Бугунги кунда ўзга мамлакатларни забт этиш учун қуролли ҳужум қилиб, уларнинг аҳолисини жисмонан йўқ қилиш шарт эмас. Забт этиш мўлжалланган ҳудуд аҳолисининг қалби ва онги душманга фойда келтирадиган йўналишга ўзгартирилса бўлди, кейин шу аҳоли кўмагида ҳар қандай табиий бойликларга эгалик қилиш мумкин. Шу сабабли ҳам бугунги кунда бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли мафқураларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали бутун ер юзига тарқатмоқда. Улар турли тухмат ва бўҳтонлар воситасида инсонларнинг, айниқса, тажрибасиз ёшларнинг онгини захарлаб, ўзларига қарам қилишга уринмоқда. Ана шундай вайронокор мафқуралардан бўлган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг кундан-кунга кучайиб бораётган хуружлари натижасида дунёда минглаб бегуноҳ инсонлар, жумладан, аёллар ва қариялар, энг даҳшатлиси ёш болалар қурбон бўлмоқда. Буни динни ниқоб қилиб олган террорчиларнинг Ироқ ва Сурияда амалга оширган ваҳшийликларидан ҳам билса бўлади. Бир пайтлар инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлган Ироқ ва Сурия бугун вайронага айланиб, у ерларда яшовчи миллионлаб тинч аҳоли жон сақлаш мақсадида ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Хўш, бир пайтлар миллионлаб сайёҳларни ўзига тортган Бағдод ва Дамашқ каби қадимий шаҳарларга бугун нима учун туристлар қадам босмайди? Нима учун диний экстремист ва террористлар Ироқ ва Сурияда ўзларига ин қуриб олди? Бунинг энг асосий сабаби араб халқларининг лоқайдлик ва бепарволикка берилиб, хавф-хатарнинг ўз вақтида олдини олмаганликлари бўлди. Агар улар лоқайд бўлмаганларида, ғафлатда қолмасдан ҳушёр ва огоҳ бўлиб, хавф-хатарни бартараф этиш учун биргаликда курашганларида минглаб оилалар уруш азобларини тортмаган ва бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмаган бўларди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги инсон қалби ва онгини эгаллаш учун маънавий таҳдидлар кучайган, ақидапарастлик, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хуружлари авж олган таҳликали замонда юртимиздаги тинчлик ва

барқарорликни асраб-авайлаш, ёшларимизни турли бузғунчи мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш энг долзарб масалага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025-йил

23-сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида “Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини бажариш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича Минтақавий Кенгаш тузилган. Биз уни Халқаро компетенциялар марказига айлантиришни таклиф этамиз.

Бу тузилма муаммоли ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш бўйича тажриба алмашиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, Терроризмга қарши кураш бошқармасининг минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш учун зарур шароит яратишга тайёрмиз”, деган эди (<https://president.uz/uz/lists/view/8525>).

Демак, ўзини шу ватан фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон мавжуд хавфларнинг моҳиятини чуқур англаб, улардан огоҳ бўлиб, ўзида мафкуравий иммунитетни, “жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашишни тарбиялаб бориши шарт. Чунки бузғунчи кучлар инсонларнинг диний ҳис-туйғуларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Даъватчилар маҳаллий аҳоли орасидан иродаси бўш, тажрибасиз ёшларни пул, ёлғон ваъдалар эвазига сотиб олиб, уларга отиш, портлатиш ва миш-миш тарқатиш усулларини ўргатишган. Шунингдек, террористлар ўз радиостанциялари орқали, ҳатто жанг майдонларига самолётдан варақалар ташлаб, мусулмон аскарларни ўзларига кўшилишга ва биргаликда ислом давлати куришга чақирган. Мана шу тарихий мисолдан ҳам ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризмнинг инсоният учун қанчалик хавфли таҳдид эканлигини англаш мумкин.

Ақидапарастлар ўзлари ишонган қоида ва тартибларни кўр-кўрона қўллашга уриниб, бошқаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўладилар. Фақат ўзини ҳақ деб билиш, ўз ақидасидан бошқа ҳақиқатни тан олмасликка асосланган манманлик эса экстремизмни келтириб чиқаради.

Диний экстремизм – экстремизмнинг дин ниқоби остида намоён бўлиш шакли бўлиб, у ўта хавфли чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи вайронкор ғояни англатади. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бунга ўзаро низолар, қон тўкиш ва зўрлик билан

эришишни кўзлайди. Бу йўлда улар энг жирканч усулларни, жумладан террорни қўллашдан ҳам тап тортмайди. Одамларни гаровга олиш, ўлдириш, портлатиш, қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хос бўлиб, мамлакат тинчлиги ва тараққиётига катта хавф солади.

Бугунги кунда экстремистлар ва террорчилар интернетдаги ўзларига тегишли сайтларида одамларни алдаб ўз томонига оғдириб олиш ва кенг аҳоли қатлами томонидан қўллаб-қувватланишга эришиш мақсадида қуйидагилар каби тарғибот усулларида бор кучи билан фойдаланмоқда:

- Улар ўзларини ягона тўғри йўлда юривчилар деб ҳисоблаб, ўзларига эргашмаганларни кофир санашади;

- Имон келтирмаган ёки бошқа динга эътиқод қиладиган ҳар қандай кишини душман деб айтишади;

- Ер юзида адолат ўрнатишнинг ягона йўли – исломий давлат қуриш ва шу мақсадда “ҳижрат” ва “жиход” қилиш ғояларини илгари суришади;

- Ўзларининг жиноятчи тўдабошиларидан бошқа олимларни қоралаб, уларни ҳақоратлашади ва ёмонотлик қилишади;

- Давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва мавжуд камчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали одамларни ваҳимага солишади;

- Халқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларнинг қийинчилиги ва ташвишига ўзларини “шерик” қилиб кўрсатишади, аслида эса уларнинг диний туйғуларидан усталик билан фойдаланишади;

- Ихтилоф чиқарадиган масалаларни ўз саҳифалари орқали ёритиб, одамларда ўз қарашлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга уринишади.

Ҳозирги кунда баъзи одамлар эса маълумотларни сараламасдан, дуч келган ахборотни тўғри деб қабул қилишмоқда. Натижада ўзлари ва атрофдагиларнинг онгини заҳарлашмоқда. Аслида эса, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва ҳолис бўлавермайди. Шунинг учун инсон ўзида зарарсиз ахборотларни қабул, қилиш, зарарли ва хавфли маълумотларни эса қабул қилмаслик кўникмаларини шакллантириши лозим. Шу мақсадда қуйидаги тавсияларни келтириб ўтаемиз:

- ёшларда интернетдаги хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур;

- ёшларга интернетдаги қандай маълумотни олиш керагу, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш;

- ёшларнинг интернет тармоғига кизиқишларини мунтазам ўрганиш ва бу борада керакли маслаҳатлар бериб бориш;

- келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлоққа салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш;

- интернет хуружларига қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш;

- экстремистик сайтларга кирмаслик. (Бундай сайтларнинг аломатлари: “ҳижрат” ва “жиход”га даъват қилиш, дунёвий давлат ва тузумларни кофирликда айблаш, Давлат мустақиллиги, Янги йил, Наврўз, 8-март каби байрамларни, туғилган кунни нишонлашни ҳаром деб эълон қилиш, Афғонистон, Ироқ ва Сурия каби мамлакатлардаги жангариларни мақташ);

- интернет сайтларида диний мавзуда илмоқли, нозик саволлар бериб, суҳбатга чорлаётган шахслар билан мулоқотдан тийилиш, дунёвий жамиятни танқид қилиб, диний турмуш тарзини даъват қилаётган шахслар билан умуман алоқа қилмаслик;

- электрон почта орқали номаълум шахслардан келган диний мазмундаги даъват ва танишув ҳақидаги таклифларга жавоб бермаслик, юборилган электрон материалларни юклаб олмаслик;

- мобил қўл телефонларига мутаассиблик руҳидаги қўшиқлар, маърузалар, суратлар, видеороликлар юклаб олмаслик ва тарқатмаслик;

- ноқонуний тарзда чоп этилган ёки тайёрланган диний мазмундаги адабиёт, диск ва мобиль телефонлардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик;

- диний мавзуда кизиқтираётган маълумотларни фақат “uz” доменида расмий фаолият олиб бораётган давлат ва диний ташкилотлар сайтларидан олиш;

- ёшлар қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш;

- мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш;

- ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- ёшларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик туйғуларини шакллантириш;

- ёшларни етарли даражада ахборот билан таъминлаш.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади”, деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Маълумки, огоҳлантирилган одам қуролланган ҳисобланади. Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг бир йўли хавфларнинг моҳияти

хақида ҳар томонлама маълумотга эга бўлиб, улардан ўз фарзандларини ҳимоя қилиш чораларини кўришдир.

Хулоса. Хуллас, экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан ҳуқуқ-тартибот органларига суяниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир. Бундай йўлдан борилса, диний экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган “илдиз”лар зарарланмай қолаверади. Шунинг учун бундай манфур кучларнинг кирдикорларини фош этишга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бугунги мураккаб ва таҳликали замон барчамиздан лоқайдлик ва бепарволик кайфиятларидан бутунлай халос бўлишни, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни, бетакрор ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидай асрашни кун тартибидаги энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартош А. А. Информационно-психологическая безопасность личности и общества. – М.: Академия, 2019. – 312 с.
2. Почепцов Г. Г. Информационные войны. – М.: Рефл-бук, 2015. – 256 с.
3. Кузнецов В. Н. Экстремизм в молодежной среде: социально-психологический анализ. – СПб.: Питер, 2018. – 240 с.
4. Castells M. Communication Power. – Oxford: Oxford University Press, 2013. – 570 p.
5. Conway M. Violent Extremism and the Internet: New Perspectives for Research and Policy. – London: Routledge, 2017. – 198 p.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти. Ёшлар ва ахборот хавфсизлиги: таҳдидлар ва баргараф этиш механизмлари. – Тошкент, 2022. – 120 б.